

УЎК (УДК, UDC): 82.0:83.3 (5Ў) Навоий

DOI: 10.36078/1565767126



НАВОИЙ ЛИРИКАСИ ЖАНРЛАРИ ТАДҚИҚИ

Зариф Омонбоевич ҚУВОНОВ

Катта ўқитувчи

Ўзбек адабиёти кафедраси

Навоий давлат педагогика институти

Навоий, Ўзбекистон

zarif_1178@mail.ru

Аннотация

Мақолада адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметовнинг ўзбек адабиётшунослиги ва навоийшунослиги тараққиётига қўшган самарали улуши, олим яратган асарларнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти хусусида мулоҳаза юритилган. Шунингдек, Навоий шеъриягининг жанрлари тадқиқига оид ишларига муносабат билдирилган.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг "Навоий лирикаси" монографияси Навоий поэтикасининг асосий хусусиятлари, ундаги образлар тизими, бадиий тасвир усуслари, лирик жанрларни ўрганишга қаратилган тизимли равишдаги изчил тадқиқот саналади. Олим Навоий шеърияти масалаларини тадқиқ этаркан, ҳар бир шеърий жанрнинг адабиётимиз тарихи ва Навоий ижодидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратади. Лирик жанрларни ўрганишга Ҳайитметов илмий тадқиқотлари йўл очганлиги мақолада кўрсатилган.

Калит сўзлар: навоийшунослик; тадқиқот; илмий мерос; таҳлил усули; рубоий; жанр; маҳорат; лирика; поэтик жанр.

ИССЛЕДОВАНИЕ ЛИРИЧЕСКИХ ЖАНРОВ ПРОИЗВЕДЕНИЙ НАВОИ

Зариф Омонбоевич КУВОНОВ

Старший преподаватель

Кафедра узбекской литературы

Навоийский государственный

педагогический институт

Навои, Узбекистан

zarif_1178@mail.ru

Аннотация

В статье рассуждается о теоретическом и практическом значении работ литературоведа Абдукадыра Хайтметова в развитии литературоведения и навоиведения в области исследования лирических жанров, научного новшества произведений, созданных им, а также говорится об отношении к исследованию жанров поэзии Навои.

Монография А. Хайитметова «Лирика Навои» считается последовательным исследованием, которое изучает лирические жанры, методы художественного изображения, систему образов. Учёный, анализируя вопросы поэзии, обращает особое внимание на каждый жанр истории литературы в творчестве Навои. В статье автор подчёркивает, что открыл способ научного исследования лирических жанров.

Ключевые слова: навоиведение; исследование; научное наследие; методы анализа; рубаи; жанр; лирика; поэтические жанры.

THE INVESTIGATION OF GENRES OF NAVOI'S LYRICS

Zarif Omonboevich KUVONOV

Teacher

Department of Uzbek literature

Navoi State Pedagogical Institute

Navoi, Uzbekistan

zarif_1178@mail.ru

Annotation

The article describes Abdukodir Khayitmetov's contribution to the progress of Uzbek literature and Navoi Studies, scientific novelty, theoretical and practical importance of his works. In addition the works related to genres of Navoi's verse are discussed.

The monograph's of A. Khayitmetov entitled "Navoi's Lyrics" is succession and system research that helps to learn about the main peculiarity of Navoi's lyrics, its personal systems, the methods of literary picture and lyric genre. When this scientist exploring the issue of Navoi's lyric, he pays attention to the place of usury poetic genre in the history of literature and the creation of Navoi.

This article stresses the fact that the scientific research of studying lyric genres is accessible.

Keywords: studying Navoi; research; scientific heritage; method of analysis; rubai; genre; skill; lyrics; poetic genre.

Алишер Навоий ижодини ўрганиш шоир ҳаётлик даврида, унинг лирик асарларига муносабат билдиришга бориб тақалади. Устоз адабиётшунос А.Абдуғафуров навоийшунослик Мавлоно Лутфийнинг ёш шоир ғазалига юксак баҳо беришидан бошланган деса, А.Хайитметов ундан ҳам олдин Сайид Ҳасан Ардашер ва Камол Турбатий ўсмир шоир шеърларига муносабат билдириши билан бошланган, деб ҳисоблайди (1, 17). Жомий, Лутфий, Ҳусайн Бойқаро, Ҳилолий, Шайхим Суҳайлий, Давлатшоҳ Самарқандий каби тарихий шахсларнинг Навоий шеърияти борасидаги фикрлари шоир лирикасининг ўз замонасидаёқ зўр қадр топганини кўрсатади (2, 520).

Навоий ижодиёти ҳақида Давлатшоҳ Самарқандий, Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Захириддин Мухаммад Бобур қимматли фикрлар билдирган. Ҳусайн Бойқаронинг "Рисола" сида ҳазрат Навоийнинг туркий тилдаги ижоди, хусусан, шеърияти ҳамда "Хамса" асарига юксак баҳо берилиб, буюк шоир "сўз мулкининг кишваристони, соҳибқирони" деб улуғланади (3, 15). Шоир

вафотидан кейин унинг лирик девонлари қўлёзма ҳолида юзларча нусхаларда кўчирилиб, адабиёт ихлосмандлари орасида кенг тарқалган. XVIII аср охирида Муҳаммад Хокисор тузган “Мунтахаб ул-луғат” да Навоийнинг кўпгина лирик байтларига шарҳ берилган. XIX асрда Маъдалихон фармони билан Қўқонда “Хазойин ул-маоний” уч юз нусхада тўла кўчирилган. Россия босқинидан сўнг Навоийнинг терма девонлари литография йўли билан бир неча бор нашр этилди.

Навоий адабий меросини илмий асосда, тизимли ўрганиш XX асрда бошланди. Аср бошларида Фитрат, В. Маҳмуд, 1940 йили Уйғуннинг С.Абдулла билан бирга тайёрлаб, чоп эттирган “Чор девон” китобига ёзган “Навоийнинг “Чор девон”и ҳақида” мақоласи бу йўлдаги илк уринишлардан бўлди (4, 4–6). М. Шайхзода 1948 йили “Навоийда лирик қаҳрамони характеристика унинг очилиш приёмлари ҳақида” мавзусида номзодлик ишини ёқлаб, “Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳақида” тадқиқотини нашр эттиргди. Проф. А. Саъдийнинг “Навоий ижодиёти ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётининг юксак босқичи сифатида” мавзусидаги докторлик диссертациясида шоир лирикасининг бир қанча масалалари ўрганилди. Проф. Е. Э. Бертельс 1948 йили чоп этилган “Навоий” монографиясида шоир лирикаси ҳақида қимматли мулоҳазалар баён қилди. Ўша йилларда Ойбек “Навоий газалиёти” мақоласида: “Навоийнинг “Чор девон”нинг идея ва бадиий шакли, тили ва мастерлиги, тарихий аҳамият ва бошқа жиҳатлардан чуқур тадқиқ этиши ...огир ва муҳим ишидир. Бу масалалар шу чоққача на Шарқда, на Гарбда илмий текшириши доирасига кирган эмас... Навоий поэзиясининг фикри, бадиий моҳиятини кўрсатган илмий-танқидий асарлар йўқ, десак бўлади” (5, 35–36), — деб ёзади. Ахвол чиндан ҳам шундай эди. Уни ўзgartаришда ёш олим Абдуқодир Ҳайитметовнинг хизмати катта бўлди.

Унинг “Навоий лирикаси” монографияси қамровининг кенглиги, таҳлилнинг батафсиллиги, илмий-назарий мулоҳазаларнинг пухта ва асосланганлиги билан навоийшунослик илмида ўзига хос воқеа ўлароқ эътироф этилди. Олим 1954 йили ёқлаган “Навоийнинг адабий-танқидий қарапашлари” мавзусидаги номзодлик диссертациясида ёқлаб шоир лирикасидаги бетакрор ўзига хосликка диққат қаратган эди. У шоир лирикасини ўзига хос йўл ва усулда тадқиқ этаркан, Навоий лирикасининг илк тадқиқотчиси унинг ўзи, деган хуносага келади. Унингча, мутафаккир шоир девонларига “Дебоча” ёзиш билан лирикасини ўрганишга пойдевор яратган. Ушбу дебочалар ўқувчини, жумладан, мутахассисни ҳам шоир лирик меросининг қандай тариф

хий шароитда, қанча муддат мобайнида, қай тарзда яратилганлиги ҳамда де-вонларнинг тузилиш тарихи билан танишириди. Олим Навоийнинг дебочаларини тадқиқотчи учун унинг лирикасини текширишда энг ишончли манба деб ҳисоблайди (6, 25). Академик Б. Валихўжаев ҳам дебочаларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф этади (7, 35). Шунингдек, Абдуқодир Ҳайитметов Навоий лирикаси ҳақида "Хамса"га кирган достонларининг муқаддима ва тугалланиш қисмларида, лирик чекинишларида ҳам муҳим фикрларни айтиб ўтганига эътибор қаратади. Бундай фикрлар шоирнинг "Муҳокамат ул-луғатайн", "Хамсат ул-мутахаййирин", "Мажолис ун-нафоис" асарларида ҳам кўп учрашига тўхталади.

Ҳайитметов шоир меросини тадқиқ этишга киришишдан олдин унинг дунё адабиётидаги ўрни ҳақида ёзади: "... Навоий ўзбек тилида буюк "Хамса" яратган эпик шоир ва ўнлаб илмий асарлар ёзган улуғ олимгина бўлиб қолмасдан, мисли кўрилмаган даражадаги ҳассос лирик сиймо ҳамдир" (6, 3). Олимнинг шоир лирикаси тадрижи, кўлами, жанрий хусусиятлари, образлар тизими ҳамда бадиий маҳоратини ўрганишга бағишлиланган тадқиқотлари навоийшунослик илмининг ютуғидир. Айниқса, унинг "Навоий лирикаси" китоби "шоир лирикасининг муҳим хусусиятларини ёритган дастлабки йирик тадқиқотлардан бири сифатида аҳамиятлидир" (8, 50).

А. Ҳайитметов Навоий лирикасининг оламшумул аҳамияти ҳақида: "Унинг ҳар бир лирик девони туркий тилда гаплашувчи халқларнинг маънавий ва маданий ҳаётида катта янгилик, бадиият соҳасида зўр кашфиёт бўлиб, уларнинг ҳар томонлама ўсишига, ривожланишига хизмат қилган" (6, 6), — деб ёзади.

Олим Навоий лирикасини тадқиқ қиласар экан, ўрганиш обьекти сифатида факат "Хазойин ул-маоний" ёки "Девони Фоний" билан чекланиб қолмай, шоирнинг шеърларини яна бир қатор манбаларда мавжудлигини таъкидлайди ва уларни ҳам ўрганиш зарурлигини айтади. Кейинчалик адабиётшунос ўзининг "Расмий девонларга кирмаган шеърлар" мақоласида ўша қўшимча манбаларни: 1. Шоирнинг илмий-филологик, тарихий ва насрый асарлари таркибидаги шеърлари. 2. Шоирнинг бошқа муаллифлар асарларида эслатилган ва ўша манбалар орқали бизга маълум бўлган шеърлари тарзида кўрсатиб беради. Бу шеърлар буюк шоир лирикасини мазмун эътибори билан ҳам, бадиийлик нуқтаи назаридан ҳам тўлдиришини кўрсатиб ўтади. Мақолада олим "Чиҳл ҳадис", "Вақфия", "Назм ул-жавоҳир", "Тарихи мулуки ажам" каби асарлари таркибидаги турли жанрдаги асарларни батафсил таҳлил қилиб:

“Бу хил шеърларсиз Навоий лирикасини тўла тасаввур қилиш ҳам қийин”, — деган холосага келган.

Адабиётшунос Навоийнинг “Муншаот”ида 56, “Маҳбуб ул-қулуб”ида 10, “Мажолис ун-нафоис”ида 16 рубоийси борлиги, унинг насрый ва илмий асарларининг ўзида юздан ортиқ ўзбекча рубоий мавжудлигидан келиб чиқиб, шоирни ўзбек адабиёти тарихидаги энг йирик рубоийнавис, деб ҳисоблайди ва шунга асосланиб, шоир рубоийнавислигига унинг факат расмий девонларидан келиб чиқиб баҳо бериш бирёқламалик эканини таъкидлайди.

У Навоий шеърларидан бирортасини ҳам назардан қочирмасликка интилади. “Маҳбуб ул-қулуб”да 11 қитъа, 12 маснавий, 68 мустақил байт, 4 назм борлигини, “Хамсат ул-мутахаййирин”да унинг ўзбекча шеърлари билан бирга Жомий мактубларига жавобан ёзган форсий шеърлари ҳам мавжудлигини, “Мезон ул-авзон”даги шеърий мисолларнинг аксариятини Навоийнинг ўзи маҳсус ижод қилганига тўхталиб, унинг тенгсиз истеъдод эгаси бўлганлиг ини қайд этади. Шоирнинг насрый ва илмий асарлари ичida бу хил лирик парчалар келиши сабабини юксак поэтик маҳорат эгаси насрда ўнлаб сатрларда бериладиган фикрларни назмда бир-икки байт билан ғоят таъсири ва образли қилиб ифодалай олганида, деб изоҳлайди. Абдуқодир Ҳайитметов буюк шоирнинг бошқа муаллифлар асарлари орқали етиб келган лирик меросини ҳам назардан қочирмайди. Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ”, Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”, Абдулмўминхоннинг “Том ут-таворих” каби асарларида Навоийга нисбат берилган шеърларни ғоят нуктадонлик билан тадқиқ қиласди.

Адабиётшунос олим А. Ҳайитметов Навоийнинг турли жанрлардаги асарларида лирик ҳиссиёт хилма-хил воситалар билан ифодаланганини айтади. Муаммоларда киноя, чистонларда юмор, қитъа ва фардларда дидактика оҳанглари устуворлик қилишини ҳаққоний асослайди (6, 23).

Монографиянинг “Навоий лирикасининг тур хусусиятлари” фаслида қитъа, рубоий, қасида, маснавий, чистон, муаммо ва бошқа лирик жанрларнинг бадиий функцияси, ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилади. Масалан, чистон ҳақида: “бу лирика турининг ёзма адабиётдаги ўрнини қонунийлаштириди” (6, 47), — деса бошқа ўринда унинг фарқли хусусиятларини қўйидагича изоҳлайди: “Унинг чистонлари рубоий ва туюқ ёки ғазалга ўхшаш қатъий форма қонуниятларига эга эмас, улар қитъаларига ўхшаб кетади, қитъалар каби қофияланади, матлаъ йўқ, вазн турлича, байтлар сони ҳам ҳар жойда ҳар хил” (6, 49). Навоий ижодига хос муаммо жанрининг характерли хусусиятини “ўқувчига ажойиб шеърий завқ бағишлийдиган ва

кишиларнинг жонли характерларининг нозик чизиқларини акс эттирган байтлар" (6, 50), — деб кўрсатади.

Рубоийнинг поэтик табиатини ихчам талқин этиш, унинг маъно жозибасини таърифлаш нуқтаи назаридан олимнинг мана бу фикрлари, айниқса, эътиборга молик: "Рубоий — тўрт мисрадан иборат тугал лирик асардир. Унда лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари ниҳоятда сиқиқ, аммо ниҳоятда равshan ва аниқ, ўта характерли: ифодали тасвирий образлар воситаси билан акс эттирилиши керак..."

Рубоий музыка ва қўшиқнинг авж моментини эслатади. Бунда фикр билан бирга ҳис-туйғулар ҳам баробар түғёнга келиб ғояни мўлжалдаги юксакликка кўтариб чиқишига ёрдамлашади. Шунинг учун шеърнинг бу турини лириканинг кўпроқ фалсафий мазмунга эга бўлган тури деб "хисоблаймиз" (6, 59–60).

Профессор Абдуқодир Ҳайитметов ҳар бир жанр намуналари таҳлилига киришар экан, аввало, жанрнинг назарий асослари ҳақида батафсил ва атрофлича мулоҳаза юритади. Мисол учун олим талқинидаги рубоий жанри хусусиятларини кўриб ўтсак. Рубоийнинг жанрий хусусиятларини текширади экан, унинг тарихи, назарий таърифи, бошқа лирик жанрлар билан қиёси, ғоявий-бадиий характеристери, мавзу кўлами каби масалаларни кетма-кет изчиллик билан тадқиқ этади. Айниқса, Навоий ижодидаги баъзи рубоийларнинг воқеабандлигига алоҳида эътибор қаратади. Бунга мисол тариқасида шоирнинг "Номангки, тириклигимдин улдур матлуб,/Очиб ўқуточ бир неча лафзи марғуб,/ Кўп тўлғониб ашк ичра ўзумдин бордим, /Ул навъики, сув ичига тушгай мактуб" рубоийсини келтиради.

Навоий рубоийнависликда туркий халқлар адабиётидаги анъаналар билан бирга форс-тожик рубоийчилигининг энг яхши жиҳатларини ҳам умумлаштириди (9, 4) ва натижада "Рубоий соҳасида ўзининг шоирлик маҳоратини тўла кўрсатди ва ҳар қандай ғояни шу форма рамкасида ажойиб усталик билан, ёрқин бўёқларда кишини ҳайратга соладиган даражада таъсирли қилиб бера билди" (6, 64).

Ҳайитметов томонидан илгари сурилган Навоий лирикасининг жанрлари тадқиқи масаласи кейинчалик бошқа адабиётшунослар томонидан ривожлантирилди. Жумладан, Ё. Исҳоқов, Р. Орзивеков, Л. Серикова, И. Ҳаққулов ва Э. Очиловнинг рубоий жанрининг тарихи, тараққиёти, Навоий рубоийлари мавзу-мундарижаси, бадииятига доир тадқиқотларини кўрсатиш мумкин.

Рубоий, туюқ, ғазални тадқиқ этган Абдуқодир Ҳайитметов Навоий қитъаларини текширади. Мумтоз шеъриятнинг қадимий турларидан бири

қитъа жанрига доир Навоининг ёзганлари ҳам Абдуқодир домланинг эътиборидан четда қолмади. Илк мисраси қофиясиз, камида икки байтдан иборат бўладиган бу шеър тури қофия тартиби, шакл кўриниши, мавзу доираси билан бошқа лирик жанрлардан фарқ қиласди. Илк намунаси форс адабиётида Ибн Ямин Фарюмодий томонидан яратилиб, ўзбек адабиётида дастлаб Хоразмийнинг "Муҳаббатнома"сида, сўнг Лутфий, Ҳофиз Хоразмий, Бобур, Мунис, Оғаҳий ҳамда Аваз каби шоирлар ижодида давом эттирилган қитъа жанри Навоий шеъриятида ҳам алоҳида ўрин тутади. Шоирнинг "Хазойин ул-маоний" девонидан 210 қитъа жой олган. "Девони Фоний"да ҳам етмишдан ортиқ қитъа бор. Кўринадики, Навоий уч юзга яқин ўзбекча ва форсча қитъалар ёзган. Қитъаларда, асосан, ижтимоий, фалсафий-ахлоқий мавзулар бадиий акс этган.

Ҳайитметов "Бадоев ул-васат" девонидаги туюқларни таҳлил этаркан, қофияларнинг омоним сўзларга қурилиши ҳақида гапириб, "мазмуннинг қофия шарти билан очилиши ўқувчидаги чуқур ҳис-туйғу уйғотади ва яхши эсда сақлаб қолинади" (6, 65), — деб кўрсатади ва назарий хусусиятини "рамали мусаддаси мақсур — фоилотун фоилотун фоilon вазнидадир", — дейди. Фикрларини давом эттириб, Навоий ижодида унинг а-а-а-а ёки а-б-в-б тарзида қофияланган кўринишлари учрамагани боис — қофияланиш системаси эса ҳеч бир мустасносиз а-а-б-а шаклидан иборат" (6, 66) эканлигини айтади.

Адабиётшунос лирик жанрларнинг тарихи, етакчи белгилари тўғрисида кенг мулоҳаза юритади. Жумладан, ғазал, мухаммас, мустазод, мусамман жанрлари мавзу жиҳатидан ҳам, шакл хусусиятлари жиҳатидан ҳам бир-бираiga яқинлигини қайд этар экан, уларнинг деярли ҳаммаси ғазалдан ўсиб чиқсан, деган илмий холосага келади (6, 67). Олим мухаммас ғазалнинг бир байтини беш мисрага, мусаддас олти мисрага, мусамман саккиз мисрага кўпайтириш, шу орқали ғазалнинг тасвир имкониятини кенгайтириш сабабли юзага келган жанрлар эканини таъкидлайди (6, 67).

Навоий поэтикасининг асосий хусусиятлари, ундаги образлар тизими, бадиий тасвир усуслари, лирик жанрлар ривожига таалукли тизимли равишдаги изчил тадқиқот Абдуқодир Ҳайитметовнинг "Навоий лирикаси" монографияси ва бир қанча мақолаларида таҳлил этилдики, бу Навоий лирикасини поэтиканинг ўзига хос тизими қонуниятлари нуқтаи назаридан илмий-услубий йўналишда ўрганишни бошлаб берди.

Профессор Абдуқодир Ҳайитметов фикрича, ҳазрат Алишер Навоий шахси ва ижоди сув ичган манбаларни аниқ ва атрофлича билиш унинг асарларини чуқур англаш, тўғри таҳлил этиш ва теран илмий тадқиқ қилиш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Шеърият мулкининг султони (Давра сұхбати) // “Мулоқот” журнали, 1993, № 2. - Б. 52.
2. Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlatov O. Navoiyshunoslik. 1-kitob. — Toshkent: Tamaddun, 2018. — 520 б.
3. Xусайн Бойқаро. Рисола. Нашрга тайёрловчилар Алибек Рустам, Каримбек Ҳасан. — Тошкент: Шарқ, 1991. —24 б.
4. Навоий А. Чор девон. Нашрга тайёрловчилар Собир Абдулла, Уйғун. — Тошкент: Ўздавнашр, 1940. — 320 б.
5. Ойбек. Навоий ғазалиёти. Мукаммал асарлар тўплами. 13-том. Адабий-танқидий мақолалар. — Т.: Фан, 1979. — 512 б.
6. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. — Тошкент: Фан, 1961. — 295 б.
7. Валихўжаев Б. XV–XIX асрлар ўзбек адабий-танқидий қарашлари тарихидан. СамДУ асарлари, янги туркум. №138. Самарқанд, 1964. — 135 б.
8. Маллаев Н. Асрлар эътирофи ва таъзими. — Тошкент: Фан, 1978. — 64 б.
9. Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий. — Тошкент: Фан, 1981. — 100 б.

REFERENCES

1. *She'riyat mulkining sultoni* (The author of the poem of the poet), “Mulokot”, 1993, № 2. 52 p.
2. Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlatov O. *Navoi studies*, Tashkent: Tamaddun, 2018, 520 p.
3. Xusayn B. *Risola*. Nashrga tayyorlovchilar Alibek Rustam, Karimbek Hasan. (Risola), Tashkent: Shark, 1991. 24 p.
4. Navoiy A. *Chor devon*. Nashrga tayyorlovchilar Sobir Abdulla, Uygun. (Chor Devan), Tashkent: Uzdavnashr. 1940, 320 p.
5. Oybek. *Navoiy gazaliyoti*. Mukammal asarlar tuplami. 13-tom. Adabiy-tankidiy makolalar (The Navoi gazeliyoti), Tashkent: Fan, 1979. 512 p.
6. Hayitmetov A. *Navoiy lirikasi* (Navoi lyric), Tashkent: Fan, 1961, 295 p.
7. Valixujayev B. *XV-XIX asrlar Uzbek adabiy-tanqidiy qarashlari tarixidan* (From the history of Uzbek literary and critical views of XV–XIX centuries), SamDU asarlari, yangi turkum. №138. Samarkand, 1964. 135 p.
8. Mallayev N. *Asrlar e'tirofi va ta'zimi*. (Confessions of the century), Tashkent: Fan, 1978. 64 p.
9. Haqqulov I. *Uzbek adabiyotida ruboiy* (Ruboiy in Uzbek literature), Tashkent: Fan, 1981. 100 p.